

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Маматкаримов О.О., Икрамов Р.Ф., Қахаров С.С., Абдукаримов А.А. Юқори сезгир бўқли куш элементлари (dssc)ни тайрлаш технологияси ва ишлаш принципи.....	3
Илиев Х.М., Усмонов Ж.И., Абдуллаев Х.Х. Кремнийли фотоэлементларнинг спектрал сезгирликсоҳасини бинар элементар ячейкалар қрдамадакенгайтириш.....	8
Расулов Т.Х., Мустафоева З.Э. О точечном спектре одной диагонализруемой 3×3 - операторной матрицы	14
Равшанов С.С., Қодиров О.Ш., Рамазонов Р.Р., Мусаев Х.П., Нурматов И.Р., Турдиев Б.Х. Бугдой донларини навли ун тортишга тайрлашда қўлланиладиган сувларнинг аномал физик-кимий хусусиятлари ва уни активлаштириш методларининг таҳлили.....	19
Жалолов О.И., Хаятов Х.У. Верхняя оценка для нормы функционала погрешности весовой кубатурной формулы в пространстве $L_p^{(m)}(K_n)$	27
Жумаев Ж., Хабибов Ф.Ю., Мержев И.З. Теоретические исследование параметров первичного дробления мысцеллы в окончателных дистилляторах	32
Самиев К.А. Определение оптимальные толщины изоляции для наружных стен жилых зданий для узбекистана на основе различных материалов и источников энергии	36
Тураева У.Ф., Тураев Ш.Ф., Тураев А.Ф. Особенности солнечных теплоэнергетических установок.....	40
Усмонов Б.З. Обобщение задачи трикоми для одного класса уравнения третьего порядка эллиптического-гиперболического типа с разрывными условиями склеивания.....	44
Дилмуродов Э.Б., Неъматова Ш.Б. О собственных значений обобщенной модели фридрикса с трехмерным значением на нецелочисленной решетке.....	49
Назаров Ф.Х. Численное исследование капель в турбулентной струе	56
Наврззов Д.П., Каримов Р.С., Фармонов Н.К. Численное моделирование обтекания плоской пластины на основе спаларта – аллмараса моделей.....	61
Нуриддинов Ж.З. Эквивалентная система интегральных уравнений для одной обратной задачи для интегро-дифференциального уравнения теплопроводности.....	64
Fayziyeva D.H. Hot potatoes dasturi imkoniyatlaridan samarali foydalanish usullari	69
Atoyev D.D., Xayriyev U.N. Volterranning ikkinchi tur tenglamalarini sonli yechish	73
Хусенов Б.Э. Класс Харди и теорема Голузина-Крылова для $A(z)$ – аналитических функций.....	79
Saidova R.M., Fayziyeva X.A. Fizika fanidan laboratoriya ishlarini crocodile physics dasturi yordamida tashkillashtirishning ahamiyatli tomonlari.....	87
Boironova G.Y., Nosirova Sh.E. Mobil ilova va mobil platformalarni yaratishda react native dasturidan foydalanishning muhim afzalliklari	90
Ergashev A.A., Eshankulov H.I., Xusenov M.Z. Bilimlarni tasvirlashda freymli modellardan foydalanish	94
Rahmonov A.A. Recovering of a stationary external force by distributions	98
• TILSHUNOSLIK	
Раупова Л.Р. Диалогик дискурса интенциал мазмун.....	102
Жўраева М.М. Тилшуносликда модаллик категорияси: тадқиқ ва талқин (француз ва ўзбек эртаклари таҳлили мисолида).....	105
Жабборов Х.Ж. Маҳмуд Кошғарийнинг лексикография тараққиотидаги ўрни.....	111
Ҳайдаров А.А. Фонетик ўзгаришли сўзларда коннотатив маънонинг ифодаланиши	115
Nazarova S.A. Soz birikmasi tarkibiy qismlarining boglanishi va birikish omillari.....	121
Йўлдошева Д. Синтактик хусусият синтактик омил билан баҳоланиши зарур	124
Саидова М.Р., Убайдова Д.А. Развитие орфоэпических навыков у студентов - узбеков на занятиях русского языка.....	130
Данияров Б.Х. Ўзбек тили изоҳли луғатларида лексик синонимлар тавсифи ва уни такомиллаштириш вазифалари.....	133
Тоғаев Т.М. -Оғиз жуфтламоқ ибораси ҳақида.....	141
Махмараимова Ш.Т. Аппроксимация – ноаниқлик/аниқлик категориясини ифодаловчи номинацияда метафорик талқин.....	144

Тошева Д.А. Ўзбек халқ паремаларида антономик муносабатлар	150
Саидова М.У. Крис Болдикнинг -Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати (-The concise Oxford dictionary of literary terms)га изоҳлар	153
Муқимова З.Р. Ўткир Ҳошимовнинг -Дафтар хошиясидаги битиклар асарида услубий конвергенция.....	157
Турсунов М.М. Инглиз тилидаги турли ўхшашлик белгиларига асосан кўчиш принципи асосида ҳосил бўлган метафорик ибораларнинг баъзи бир типлари таҳлили.....	162
Адизова Н.Б. Бухоро туман топонимлари ва уларнинг луғавий асослари.....	170
Ширинова М.Ш. Кино тили тушунчаси ва унинг лингвистик аспектда ўрганилиши	174
Ҳожиёва Н.Ҳ. Мевачилик лексикасига оид баъзи мулоҳазалар.....	178
• ADABIYOTSHUNOSLIK	
Дониярова Ш.Х. -Тупроқ образининг бадиий талқини	185
Ҳайитов Ш.А. Алишер Навоий ринди харобатийлар ҳақида	189
Давронова Ш.Ф. Истиклол даври ўзбек романчилигида мифопоэтик тафаккур.....	195
Мажитова С.Ж. Абдурахмон Жомий ғазалиида тасаввуфий рамзлар тизими ва уларнинг функционал хусусиятлари	199
Карамова Ш.Л. Шоира шеърларида фикр ва туйғу уйғунлиги.....	205
Jamilova B.S. Bolalar nasrida jinoyat olamiga kirib qolgan o'smirlar ruhiyati tasviri	209
Гудзина В.А., Рахимов М.М. Влияние гофмановского двоюмирия на феномен двойничества в русской литературе XIX века.....	214
Курбонова Н.Р. Нореал дун ҳақидаги тасаввурлар ва уларнинг бадиий инъикоси.....	220
Xolikova N.N. Ingliz va o'zbek adabiyotida detektiv yo'nalishdagi asarlarning o'ziga xos xususiyatlari	224
Zaripova D.B. Ta'limiy - didaktik asarlarda rahbar ma'naviyati masalasi.....	228
Киличева М.Р. Кетрин Менсфилд ҳикояларида эстетик мотиви талқини	233
Сайитқулов И.А. -Темурномада халқ эпоси аъёнларнинг қўлланилиши	237
Муртазаева Ф.Р. Типология женских персонажей В.Токаревой(на примере произведений «Своя правда», «Хрустальный башмачок», «Летающие качели»)	241
• NAVOIY GULSHANI	
Амонова З.Қ. Навоийнинг бир наът ғазали хусусида.....	247
• FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK	
Эргашева М.З. Давлат мустақиллиги масалалари мутафаккирлар талқинида.....	250
Салаев Д.Ж. Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари ривожининг ўзига хос хусусиятлари(Япония ва Хитой мисолида).....	254
• TARIXSHUNOSLIK	
Бобожонова Ф.Х., Зойиров Ф.З. Бухоро амирлигидаги янги усул мактабларининг фаолияти	259
Рашидов О.Р. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва маъмурий-ҳудудий бўлиниши	265
Абдуллаев А.Н. Политические процессы в истории Афганистана.....	270
• IQTISODIYOT	
Мўминов Х.И. Иқтисодий ўсишни эконометрик моделлаш ва прогнозлаш.....	276
Djurayeva D.D. Xizmatlar sohasining rivojlanishida innovatsion faoliyat	283
• PEDAGOGIKA	
Тўхлиев Б., Хамракулова Х.К., Эргашева Ш.О. 5-синф адабиёт ўқув предметидан такомиллаштирилган ўқув дастури ва 3D тизимли ўқув қўлланма ҳақида.....	289
Ashurbayeva R.Q. Ta'lim tizimida integrativ yondashuvdan foydalanish	293
Кадирова Д.М. Развитие детей в дошкольном возрасте.....	299
Ахмедов Ф.Ш., Абдулахатов А.Р. Дзюдочилар мусобақа фаолиятини баҳолаш илмий муаммо сифатида.....	303
• E'OLON	
“Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti” jurnalida maqola e'lon qilish talab va shartlari.	306

so_z valentliklari zaminida talab va imkoniyatning muayyan tarzda qondirilishi sifatida qonuniy amal qiladi. -Sintaktik aloqaning ikki yoqlama tabiati birikma a'zolaridagi bir xil imkoniyatlarning mos kelishi yoxud semantik va sintaktik jihatdan boglanishini talab qiladi degan xulosa yetarli emas. Sababi, ikki yoqlama boglanish bir so_zning shakliy imkoniyati va ikkinchi so_z ma'noviy talabining muayyan nutq sharoitida moslashishi yoki tobe a'zoning joylashuvi va hokim a'zoning ma'no ehtiyoji orasida hosil qilingan muvofiqlik tufayli vujudga kelmaydi. Balki birikma tarkibiy qismlarini shakllantirgan til birliklariga xos ma'noviy, shakliy va joylashuv qobiliyatlarining ikki (tobe va hokim) a'zo tomonidan muayyan nutqiy vaziyatda tanlanishi, saylab olinishi natijasida yuzaga chiqadi. Muhimi, uch qobiliyatdan biri boshqalaridan ajralib qolmay, birgalikda so_zni sintaktik aloqaga kirituvchi uch tayanch asosi vazifasini bajaradi.

Demak, ikki yoqlama boglanish so_zda mavjud bo'lgan ma'noviy, shakliy, joylashuv imkoniyatlariga tayanar ekan, o_z-o_zidan sintaktik aloqaning ikki yoqlamaligi asosida birikishni ta'minlovchi omillar saqlanishini tasdiqlaydi. Sintaktik aloqa birikma a'zolarining ikki tomonlama munosabatini ayni shu uch omil orqali ifodalaydi. Ta'kidlanganidek, so_zlar o_zaro sintaktik aloqaga kirishishda muayyan birikish omillariga asoslanadi va bular quyidagilardan iborat: 1) ma'noviy omil; 2) shakliy omil; 3) joylashuv omili.

Xulosa qilib aytganda, ma'noviy, shakliy va joylashuv omillari SB tarkibiy qismlarining o_zaro ikki yoqlama boglanishini ta'minlaydi. Shu bilan birga, tobe-hokim munosabatida so_zlarning birikish usullarini belgilaydi va til sathida SBlarini hosil qiluvchi lisoniy sintaktik qoliplarni shakllantirishga xizmat qiladi. SB qurilishida birikish omillarining o_zari, ahamiyati va vazifalari masalasining tahlili ushbu omillarning lisoniy tabiatini atroflicha o_zrganishni, demak, SBlari lisoniy qurilishiga doir tadqiqotlar davom ettirilishini taqozo etadi.

ADABIYOTLAR

1. **Абдуллаев Ф.** Сўзлар ўзаро қандай боғланади? –Т.: Фан,1974. –Б.76.
2. **Балакаев М.Б.** Основные типы словосочетаний в казахском языке. – Алма-ата: АН КазССР, 1957. – 123 с.
3. **Кононов А.Н.** Грамматика современного турецкого литературного языка. – М.-Л.: АН СССР, 1956. – 569с.
4. **Мадраҳимов И.** Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари: Филол. фанлари номзоди... диссер... автореф. –Т., 1994. – 25 б.
5. **Менглиев Б.** Морфологик воситаларининг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол. фанлари номзоди... диссер... автореф. –Т., 1996. –19 б.
6. **Назарова С.** Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: Филол. фанлари номзоди... диссер... автореф. –Т., 1997. – 21 б.
7. **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Т.: Фан, 1989. – 142 б.
8. **Убрятова Е.И.** Согласование в якутском языке//Исследование по синтаксису тюркских языков. – М.,1962. – С.101-188.
9. Ўзбек тили грамматикаси.II том. Синтаксис.–Т.:Фан, 1976. –560 б.
10. **Ғуломов А., Асқарова М.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – 256 б.

УДК: 81.367.5

СИНТАКТИК ХУСУСИЯТ СИНТАКТИК ОМИЛ БИЛАН БАҲОЛАНИШИ ЗАРУР
СИНТАКСИЧЕСКАЯ ЛИЧНОСТЬ ДОЛЖНА ОЦЕНИВАТЬСЯ ПО СИНТАКСИЧЕСКОМУ
ФАКТОРУ

THE SYNTACTIC FEATURES MUST BE EVALUATED BY THE SYNTACTIC FACTOR

Йўлдошева Дилором Неъматовна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Таянч сўзлар: синтактик омил, семантик омил, гап бўлаклари муаммоси, фраземаларнинг синтактик таҳлили.

Ключевые слова: синтаксический фактор, семантический фактор, проблема членов предложения, синтаксический анализ фразеологизмов.

Key words: syntactic factor, semantic factor, the problem of parts of a sentence, parsing of phraseological units.

Мақолада синтаксисга оид баъзи муаммолар таҳлил қилинган.

В статье были проанализированы некоторые проблемы с синтаксисом.

The article analyzed some syntax issues.

Кириш. Тил жамиятнинг маънавий, маданий, миллий ҳақиқида, ҳатто ҳар бир кишининг шахсий турмушида муҳим роль ўйнайдиган беқиёс омил эканлиги бугун ҳеч биримиз учун сир эмас. Зеро тилни кенгайтириш – жамиятни ривожлантириш, тилга эътиборли бўлиш – халқ нутқ маданиятини ошириш; тилнинг софлигини сақлаш – келажак авлодлар маънавиятини асраш демакдир.

Тил алоқа омили эканлиги аксиома шунинг ради этиб бўлмайдиган ҳақиқати. Тилнинг алоқа омили эканлиги замирида лингвистик маънавийлик тушунчаси мужассамки, бу ҳар бир тилда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жумладан, рус тили ифодалайдиган лингвистик маънавийлик тушунчаси ўзбек тилига шунинг ради ўзбек тилидаги лингвистик маънавийлик тушунчаси инглиз тилига мос келмаслиги табиий ҳол. Бу, албатта, ҳар бир тилнинг ўзига хос миллий табиатидан келиб чиқади. Масалан, ўзбекларда *ойдай гўзал, ой янглиғ юз, ойдек ҳусн* кабилар таркибида ой (луна) ижобий хусусият ифодалаб гўзаллик концептуал майдонида қадрланса; инглиз тилида ой метафораси, умуман тескари, яъни қариллик, шунинг ради қилиш аломатларини ифодаловчи салбий бирлик саналади.

Демак, бир тилда бори иккинчисида йўқ. Масалан, ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи категорияси рус тилида йўқ ва ҳ.

Асосий қисм. Тиллар ўзига хослик касб этиши баробарида уларнинг тадқиқи ҳамиша интеграцияни тақозо этади. Бунинг натижасида тилга хос хусусиятларни таърифлаш, таснифлаш ва шу орқали тилни билиш имконияти юзага келади. Айтмоқчимизки, дунё миқёсида муайян тилшуносликда берилган таърифлар, таснифлар бошқа тиллар учун ҳам асос вазифасини ўтайди [12]. Бундай ҳолат тилшунослик ривожига ижобий таъсир кўрсатиши ҳам шунинг ради муайян тил тадқиқини ўзга ўзганга солиб юбориши ҳам мумкин. Фикримизни қуйидаги мисоллар орқали далиллаймиз:

1. Рус тилшунослигида кенг тарқалган фикр [3]га кўра, синтаксис грамматиканинг сўз бирикмаси ва гап ҳақидаги таълимотни ўз ичига олган қисми. Синтаксис тилнинг икки мустақил яруси – сўз бирикмаси ва гапни ўрганади, яъни синтаксиснинг асосий предмети сўз бирикмаси ва гап.

Айнан шу таснифдан ўзбек тилшунослиги ҳам фойдаланади [13].

2. Гап таркибини бўлақларга ажратишда, асосан, немис тилшуноси Карл Беккер томонидан шунинг ради зилган *-Organismus der sprache als Eibleitung zu der gramatik* (1827)даги таснифга таянилади (эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи). Кейинчалик бу тасниф таркибига ҳол қўшилди ва ҳ. (Ваҳоланки, Беккер таснифлаган гап бўлақларининг системасидан ҳозиргача кўпгина тилларнинг мактаб грамматикасида фойдаланилади.) ва ҳ.

Бу каби тилшунослик учун одатий ҳол бўлган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фикримизча, лингвистик тасниф масаласида ҳар бир тилнинг ўз миллий табиатидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Биргина мисол: ўзбек субстанциал тилшунослиги гап бўлақлари масаласини лисоний босқичда, тил бирлиги сифатида эътироф этилган гап лисоний синтактик қолип (ЛСҚ) доирасида ҳал этди [13]. Содда гапнинг энг кичик [WP_m]ЛСҚда марказий бўлак кесим эканлиги аниқлангач [1], унинг [P_m] қисми, яъни гап кенгайтирувчилари эга ва ўрин, пайт ҳоллари эканлиги; ЛСҚнинг [W] қисми, яъни сўз кенгайтирувчилари тўлдирувчи, аниқловчи, ҳолнинг қолган турлари

эканлиги аниқланди [2]. Демак, ўзбек тили нутқий босқичида гап бўлаклари тартиби ҳинд-европа, славян тилларидагидан кескин фарқланди. Яъни

Гапнинг маркази – кесим.

Гап кенгайтирувчилари □ки гапнинг I даражали бўлаклари—эга, пайт ва ўрин холи.

Сўз кенгайтирувчилари □ки гапнинг II даражали бўлаклари—тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол (ўрин ва пайт ҳолидан ташқари).

Ўзбек субстанциал тилшунослиги ўзидан аввал -ўз-ўзидан тушунарли ҳодиса □ сифатида қабул қилинган, бироқ тилшунослар ҳар қадамда, ҳар бир ҳукмда бевосита ва билвосита тўқнашадиган тасниф масаласига бир қадар ечим берди [6]. Шундай бўлишига қарамасдан ўзбек тилшунослигида тил сатҳларининг лисоний ҳамда нутқий босқичларига тегишли маълумотлар тавсифида, таснифида ҳамон чалкашликларга дуч келамиз. Фикримизни ситаксис сатҳига тегишли шундай -муаммо □лардан бири фраземаларнинг синтактик таҳлили, аниқроғи, фраземалар иштирок этган гапларда гап бўлақларини ажратиш масаласи асосида далиллашга яна бир бор ҳаракат қиламиз².

Рус тилшунослигида XX аср бошларида мантиқий тилшунослик намояндалари -грамматика мантиққа таяниши керак □, деган ғояни илгари сурдилар ва фраземаларнинг гап бўлаги вазифасида келишида ҳам шу мантиққа эргашдилар. Жумладан, В.В.Виноградов, В.Л.Архангельского, С.Г.Гаврина, В.П.Жукова, А.В.Жуков, В.М.Мокиенко, А.И.Молотков, Л.И.Ройзензон, В.Н.Телия ишларида фраземаларнинг синтактик жиҳатига семантик □ндашувни кузатиш мумкин /4/. (Шу ўринда эътироф этиш зарурки, рус, француз тилшуносликлари XX асрнинг охири чоракларида фраземаларнинг синтактик жиҳатига семантик □ндашувдан воз кечишган.)

Тилшунослигимизда узоқ йиллар фраземаларнинг семантик жиҳатдан яхлитлиги (бутунлиги, маъно жиҳатидан битта сўзга тенглиги) асосида фразема бутунлигича битта гап бўлаги вазифасида келади /10/, деган ғоя илгари сурилдики, бу ҳаммиша таҳлил жара □нида ҳам, синтаксиснинг бошқа мавзуларини □ритишда ҳам мураккабликларни юзага келтирди. Жумладан, академик В.В. Виноградов таълимотига асосланиб, бу қарашни ўзбек фанига олиб кирган ва оммалаштирган Ш.Раҳматуллаев *иши юришмади, ақл битмади, боши шишди, юраги ачишди* каби фраземалар эгасиз гаплар ҳосил қилишини таъкидлади [11]. Фраземали гаплар синтактик таҳлиliga шу нуқтаи назардан □ндашилганда мантиқий изчил илмий таснифга қўйиладиган асосий талаб – таснифнинг бир асосга таяниши [5] бузилади. Ваҳоланки, фразема **семантик**, яъни **маъно** жиҳатдан яхлит ва бутун. Шу асосда уни синтактик бутунлик деб талқин этиш мантиқнинг айният қонуни [14]ни ҳисобга олмасликдир (Бу бизга Абдулла Қаҳҳорнинг -Нутқ □ ҳажвий ҳикоясидаги -нотик □нинг кулгили ҳолатини эслатади. Ёки бу уйдаги келинни ишхонасида ўқитувчи деб эмас, келин деб қараш билан баробар, бизнингча.).

Демак, синтактик таҳлил (гапда гап бўлақларини ажратиш) семантик асосда эмас, балки с и н т а к т и к талаб ва хусусиятларга таяниши лозим. Чунончи,

Бу хабарни эшитган Каримнинг тарвузи қўлтиғидан тушди; А □ лнинг фиғони фалакка чиқди; Ўғилнинг бошини иккита қилдик каби гапларни формал тилшунослик □ки амалдаги мактаб «Она тили», академик лицейнинг «Ҳозирги ўзбек тили» дарсликлари меъ □рлари билан синтактик жиҳатдан таҳлилга тортсак, қуйидаги қарама-қаршилиқларга дуч келамиз:

Ўзбек тилшунослигида аниқлаштирилган, мукаммаллаштирилган таснифларга кўра, *тарвузи қўлтиғидан тушди; фиғони фалакка чиқди; бошини иккита қилдик* – фразема, предикатив, гап структурали феъл фраземалар. Бироқ юқоридаги гапларда *Каримнинг; А □ лнинг, Ўғилнинг* таркибий қисмлари синтактик жиҳатдан қайси гап бўлаги вазифасини бажармоқда? Албатта, *аниқловчи–қаратқич аниқловчи*. (Зеро,

² Мазкур муаммони 2006 йилларда проф. Ҳ.Неъматов раҳбарлигида кун тартибига қуйишга ҳаракат қилган эдик. (Қаранг: Неъматов Ҳ., Йўлдошева Д. Фраземаларнинг синтактик таҳлили ҳақида // Бухоро университети илмий ахборотлари (05-024), 2006, 2-сон. –Б.48-52.)

Ўзбек тилида қаратқич келишикли сўз гапда фақат қаратқич аниқловчи вазифасида келади. Ва яна қаратқич қаралмишсиз қўллана олмайди.)

Хўш, у ҳолда *Каримнинг*; *Ақлнинг*, *Ўғилнинг* қайси аниқланмишнинг аниқловчиси □ки қайси қаралмишнинг қаратқичи? Анъанавий тилшунослик ҳам, бир қадар унинг таснифларига таянган мактаб, лицей дарсликлари ҳам бу саволларга асосли жавоб қайтара олмайди.

Фразема – соф семантик бутунлик. Бироқ унинг «семантик бутунлиги»ни синтактик бутунликка кўчириш мумкин эмас, зеро, истаган турдаги фраземанинг (у тор маъно ифодалайдими □ки кенгми [7], қатъи назар) синтактик таҳлилида унинг фақат синтактик белгилари инобатга олинмоғи зарур. Шунинг учун, масалан, *Мушук томдан тушди* □ки *Бола томга чиқди* гаплари синтактик жиҳатдан **эга–ўрин холи–кесим** сифатида синтактик бўлақларга ажратилгани каби *Тарвузи қўлтиғидан тушди*; *Фиғони фалакка чиқди* гаплари ҳам шундай бўлақларга ажратилиши лозим.

Семантик жиҳатдан фраземалар таркибидан ажралган ҳолда қўлланилмайдиган сўзлар (чунончи, *абжақ/абжағни тортмоқ*; *алмисоқ/алмисоқдан қолган*; *ҳаш-паш/ҳаш-паш дегунча*; *озмоқ/ақлдан озмоқ*; *бино/ўзига бино қўймоқ*; *чоғ/димоғи чоғ*; *жин/жини суймайди/ в.х.*), фраземалар таркибидаги нумеративлар ҳам (*чимдим/ бир чимдим қулғи*; *шингил/бир шингил ҳажвия*; *оғиз/икки оғиз гап / в.х.*) гапни синтактик бўлақларга ажратиш жара□нида алоҳида-алоҳида қисмларга ажратилиши зарур. Шунинг учун *ютуқ чиқди* бирикмаси қандай таҳлил этилса (эга - кесим), *абжағи чиқди*, *донғи кетди* ҳам с и н т а к т и к н уқтаи назардан шундай таҳлил этилиши лозим.

Айтилган фикр нафақат предикатив, балки нопредикатив фраземаларга ҳам алоқадор. Чунончи, *юраги оқ*, *тош юрак*, *кўнгли бўш*, *ипидан игнасиғача*, *кўзи тўрт*, *мияси бигиз*, *ичи қора* каби фраземалар ҳам *юраги хаста*, *тош кўприк*, *қопи бўш*, *уйидан университетгача*, *сон қиймати тўрт*, *эговланган бигиз*, *кўйлаги қора* каби эркин бирикмалар синтактик жиҳатдан қандай таҳлил қилинса, шундай таҳлилга тортилиши шарт.

Юқорида айтилганлардан (*Каримнинг тарвузи қўлтиғидан тушди* билан (*Каримнинг*) *мушуғи томдан тушди* □ки (*Каримнинг*) *фиғони фалакка чиқди* билан (*Каримнинг*) *боласи томга чиқди* орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деган ғайриилмий хулосага келмаслик керак. Булар орасида фарқ бор, фақат у с и н т а к т и к эмас, балки с е м а н т и к фарқдир. Семантик фарқни синтактик ҳодисани баҳолашда асос қилиб олиш синтактик асосни бузишга олиб келади.

Тил – ниҳоятда сеқирра ва имкониятлари кенг ҳодиса. Бунга фраземаларнинг синтактик таҳлилида яна бир бор амин бўламиз. Юқоридаги таҳлилларимизда синтактик таҳлил жара□нида семантик жиҳат кейинги ўринга тушишини исботлашга ҳаракат қилдик. Бироқ баъзи ҳолатларда синтактик ҳодисалар (жумладан, семантик ва синтактик валентликлар[9]) семантика билан узвий боғлиқ бўлган жиҳатларга ҳам дуч келамиз. (Бу моҳиятга қайси томондан □ндашишимизга боғлиқ.)

Чунончи, *тарвузи қўлтиғидан тушди* билан *мушуғи томдан тушди* таркибидаги *тарвузи* ва *мушуғи*, *қўлтиғидан* ва *томдан* сўзларининг синтактик хусусиятларида фарқлар мавжуд ва бу фарқлар, жумладан, *мушук* ва *том* сўзшакллариининг ажралувчанлиги, маъновий мустақиллиги билан боғлиқ. Шунинг учун бу сўзлар семантик валентлиги асосида *қора мушуғи*, *семиз мушуғи*, *ўғри мушуғи*, *эпчил мушуғи*, *танбал мушуғи....*, *баланд томдан*, *пастак томдан*, *бегона томдан*, *таниш томдан...* каби бирикмалар ҳосил қилиши мумкин. Гап кесими ҳам ўзининг семантик валентлигига хос кенгайтирувчилар билан кенгайтирилиши мумкин. Чунончи, *Учқунжоннинг эпчил мушуғи баланд томдан енгилгина сакраб*, *эгасининг олдиға тушди*. Бундай мустақиллик, албатта, *Каримнинг тарвузи қўлтиғидан тушди* гапи таркибидаги *тарвузи*, *қўлтиғидан*, ва ҳатто *тушди* сўзларида йўқ: биз *Каримнинг тарвузи қўлтиғидан тушди* гапидан *Каримнинг катта тарвузи кенг қўлтиғидан тап этиб тушди* гапини туза олмаймиз. Бунинг сабаби эса синтактик омиллар билан эмас, балки семантик омил билан – *тарвузи қўлтиғидан тушди* ҳосиласининг семантик яхлитлиги, бутунлиги билан боғлиқдир. Қўшма сўзлар таркибидаги ҳар бир компонент

мустақил валентликка эга бўлмагани каби фразема таркибидаги сўзлар ҳам маъновий мустақилликка эга эмас ва мустақил валентликка эга бўлолмайди ҳам.

Демак, бу моҳиятга валентлик нуқтаи назаридан □ндашсак, фраземалар мустақилсинтактик валентликка эга бўлолмайди.

Бироқ фраземаларнинг мустақил синтактик валентликка эга бўлолмаслик хусусиятини фраземаларнинг синтактик таҳлилига татбиқ эта олмаймиз. Сабаби, уларнинг гап қурилиши таркибида гап бўлаги мавқеини инкор этиш фраземаларнинг гап қурилишли ва сўз бирикмаси қурилишли турларга ажралишини йўққа чиқаради, бу ҳолат фраземаларни қўшма сўзларга тенглаштиришга олиб келиши мумкин. Бундай хулоса чиқаришга эса тил фактлари тўсқинлик қилади. Шунинг учун фразема синтактик жиҳатдан ажралмайдиган таркибий қисмлардан иборат бўлса (чунончи, *дов бермоқ*, *дош бермоқ*, лекин *ғаши келмоқ*, *жини кўзимоқ* эмас), бундай ҳодисалар қўшма сўзлар сифатида баҳоланмоғи лозим. Шу билан фразема ва қўшма сўз орасида яна бир фарқ аниқланади – фразема таркибидаги бўлақлар синтактик функциясини, синтактик мустақиллигини сақлайди, қўшма сўз таркибий қисмлари орасида эса синтактик вазифа бажариш йўқолади, гап таркибида қўшма сўз барча таркибий қисмлари билан битта синтактик вазифани бажаради (Ҳ.Неъматов). Шунинг учун фраземаларнинг эркин бирикмалар ва қўшма сўзлар билан алоқадорлигини қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

омил/ хусусият	бўлинувчан	бўлинмас
синтактик	фразема, эркин бирикма	қўшма сўз
семантик	эркин бирикма	фразема, қўшма сўз

Демак, фразема семантик ва синтактик бўлинувчан эркин бирикма ҳамда бўлинмас қўшма сўз оралиғида оралиқ учинчини ташкил этувчи ҳодисадир.

Фраземалар гап таркибида кенгайган бирикма сифатида келганда бутун(яхлит)ликда бир гап бўлаги мавқеида кела оладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Шундай ҳолатларда фраземалар (ҳар қандай кенгайган бирикма сингари), албатта, битта гап бўлаги мавқеини эгаллайди. Масалан:

кесим: *Жаҳлнинг оқибати бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш бўлди.* (П.Т.)

эга: ... *бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмоқ сиз билан биздан лозим эмас.* (П.Т.)

ҳол: *Агитатор ҳаммага маълум гапларни айтаётганини ўзи ҳам сезиб туради, шошиб юмалоқ □стиқ қилиб ўтказади* (П.Т.)

тўлдирувчи: *У ўз ғурури, обрўсига бировнинг оз-моз тил тегизишини кўтармас эди.* (О.)

аниқловчи: *(Найманчада бўзчининг сиқиб сувини ичган неча-неча вофурушу саррофлар ўтган.* (Ас.М.)

Кўзи тўрт *кишининг қулоғи эшик тиқиллашида □ки телефон жиринглашида бўлади.*

Кенгайган бирикманинг ичида келган фразема гап бўлаги сифатида, одатда, ажратилмайди.

Чунончи: ... юқори ҳокимлар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган элликбоши фуқарони сира менсимади. (О.) гапида юқори ҳокимлар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган кенгайган сифатдош бирикмаси битта гап бўлаги – аниқловчи вазифасида келган.

Бу бирикма таркибида *тили узун* (бўл-) фраземаси ҳам мавжуд. Лекин бу фразема *ишон-* феълига боғланиб келган ва шу феъл марказида турган кенгайган бирикма таркибига киради. Кенгайган бирикма таркибида эса бу фразема мустақил гап бўлаги мавқеини эгалламайди, чунки кенгайган бирикманинг ўзи гап эмас ва гап бўлақларига ажратилиши мумкин эмас–кенгайган бирикма – маркази ва қуршов сўзлари битта гап бўлаги бўлиб келади ва ичида ажратилиши мумкин эмас. Бунда фразема, қўшма сўз, эркин бирикма орасидаги фарқ тамоман йўқолади.

Айтилган фикрлар фраземаларнинг алоҳида бир кўриниши сифатида баъзан қабул қилинадиган, баъзан рад этиладиган мақол, матал, ҳикматли сўзлар, турғунлашган иборалар, тасвирий воситаларга (парафразаларга) в.б. ҳам тегишли. Уларнинг у қи бу даражада семантик бутунлиги бу ҳосилаларнинг синтактик бўлинувчанлигига монелик қилмаслиги керак. Семантик омил – бошқа, синтактик омил – бошқа. Семантик томон ва хусусият семантик омил билан, синтактик хусусият эса синтактик омил билан баҳоланиши лозим. Семантик асосга таяниб синтактик хусусиятни, синтактик асосга таяниб семантик хусусиятни «аниқлаш» – мантиқий хато.

Зеро, А.А.Потебня тўғри таъкидлаганидек: -...грамматик мулоҳазанинг умуман мантиқий мулоҳазага ўхшашлиги йўқ. Ҳар бир хусусият ўз асосидан келиб чиқиши шарт. Бу асос семантик фарқ асосида синтактик моҳиятни белгилашга йўл кўймайди.

Хулоса шуки, синтаксис сатҳи тилшунос олимларимиз томонидан чуқур ўрганиб чиқилганлигига қарамай унда ҳали ечимталаб муаммолар мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. **Abuzalova M.** O`zbek tilida sodda gapning eng kichik qurilishi qolip va uning nutqda voqelanishi: filol.fan. nomz.... diss. – T., 1994. – 134 b.
2. **Akromov Sh.** O`zbek tilining gap qurilishida to`ldiruvchi va hol [WP_m] valentligi asosida: filol.fan. nomz.... diss. avtoref. –T.: 1997.–21 b.; Shokirova N. O`zbek tilida kesimlik kategoriyasi: shaxs aktanti va uning nutqiy voqelanishi: filol.fanlari nomzodi diss. avtoref. – T., 2009. –24 b.
3. **Белошাপкова В.А.** Современный русский язык. – Синтаксис. М.: Высшая школа, 1977.–248 с.; Виноградов В.В. Исследование по русской грамматике.М.: Наука, 1988.– 562 с.; Общее языкознание. Под ред. Б.А. Серебrenникова. Внутренняя структура языка. М.: Наука, 1970. – 604 с.
4. **Виноградов В.В.** Русский язык (грамматическое учение о слове). – М.: Высшая школа, 1972.– 613 с.; Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения //Избр.труды. Исследования по русской грамматике.– М., 1975. – 275 с.
5. **Клаус К.** Введение в формальную логику. – М.: Наука, 1959. – С.234.
6. **Мадраҳимов И.С.** Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари. НДА. – Тошкент, 1994.–158 б.
7. **Нурмонов А.** Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 190-191.
8. **Неъматов Ҳ., Йўлдошева Д.** Фраземаларнинг синтактик таҳлили ҳақида //Бухоро университети илмий ахборотлари (05-024), 2006, 2-сон. – Б.48-52.
9. **Расулов Р.** Лексико-семантические группа глаголов состояния и их валентность. – Т.: Фан, 1991. – С. 176-177.
10. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Тошкент, 1966. – Б. 46.
11. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Т.: Университет, 1992. – Б. 24-25.
12. **Сафаров Ш.** Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Т.: Фан, 2007. – 278 б.
13. **Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q.** Hozirgi o`zbek adabiy tili. – Toshkent, 2011. – 614 b.
14. **Хайруллаев М., Ҳақбердиев М.** Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 82-88.



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI

ISSN 2181-6875

4
2019

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI

